

## АҚШдаги имом-хатибларимиз Орландо шаҳрига йўл олдилар



01:17 / 27.04.2022 1399

АҚШ сафаригадаги бир гуруҳ ўзбекистонлик имом-хатиблар 2022 йил 25 апрель куни Чикаго шаҳрида яшовчи ҳамюртларимиз билан учрашув ва Рамазон тадбирларидаги иштирокларини якунлаб, Флорида штатининг Орландо шаҳрига жўнаб кетдилар.

Юртимиз имом-хатиблари Орландо шаҳридаги ватандошларимизнинг таклифларига кўра, қатор Рамазон тадбирларида қатнашишади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон уламоларининг АҚШдаги илмий суҳбатлари шу йил 2 майга қадар давом этади.

Аллоҳ таоло уламоларимизнинг сафарларини беҳатар ва суҳбатларини манфаатли қилсин!

Бизни кузатишда давом этинг!